Bank news

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда № 51 (554) 2006 йил 20 декабр

ПУЛ-КРЕДИТ СОҲАСИДАГИ МАВЖУД ВАЗИЯТ ВА МОНЕТАР СИЁСАТНИНГ 2007 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

"Монетар сиёсатнинг 2007 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари" Марказий банк томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ушбу ҳужжат лойиҳаси иқтисодий конъюнктуранинг таҳлили ва истиқбол кўрсаткичлари, муомаладаги пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегаралари, валюта ва фоиз сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ҳукумат томонидан келгуси йил учун белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогноз параметрларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланди.

"Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда мазкур ҳужжатни ишлаб чиқишда асосий эътибор миллий валюта барқарорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилди.

Шу билан бирга, банк тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳтарам Президентимиз томонидан жорий йилнинг 10 февралида Вазирлар Маҳкамасида 2005 йил якунларига бағишлаб сўзлаган маърузаларида таъкидлаб ўтганларидек, барқарор ва баланслаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, бизнес учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш каби устувор тамойилларни ўз ичига олади.

Монетар сиёсатнинг 2007 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари Ҳукумат томонидан келгуси йил учун белгиланган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) реал ўсишининг 7,7 фоиз, инфляция даражасининг 5-7 фоиз ва ташқи савдо баланси қолдиғининг ижобий бўлиши ҳамда Давлат бюджети тақчиллигининг ЯИМга нисбатан 1,0 фоиздан ошмаслиги каби макроиқтисодий кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ушбу ҳужжат лойиҳаси истеъмол маҳсулотлари нархларини мўътадил даражада ушлаб туриш билан бирга нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими самарадорлигини янада ошириш, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва олтин-валюта захираларини бошқариш ишларини изчил давом эттиришни кўзда тутади.

Юқорида қайд этилган вазифаларга эришиш мақсадида келгуси йилда Марказий банк томонидан барча зарур ва амалий чора-тадбирлар кўрилади, хусусан пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солишнинг бозор механизмларидан кенг фойдаланилади ва валюта сиёсатининг ўзгарувчан алмашув курси механизмини қўллаш давом эттирилади.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг монетар сиёсати иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондирган ҳолда, муомаладаги пул массасини ЯИМнинг ўсишига мутаносиб равишда ошириб боришга қаратилади.

2007 йилда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, жаҳон стандартларига мос келувчи банк хизмат турларини амалиётга жорий этиш орқали банк тизимига бўлган ишончни ошириш каби устувор вазифаларни бажаришни давом эттириш ҳам асосий режалар сирасига киради.

Ялпи ички маҳсулот таркибининг 2005-2006 йиллардаги ўзгариши

Иқтисодиёт тармоқлари	ЯИМдаги улуши, %		2005 йилнинг 9 ойига нисбатан ўзгариши, %
	Январ-сентябр		
	2005 й.	2006 й.	
Иқтисодиёт бўйича жами	**100,0**	**100,0**	**107,3**
Товарлар ишлаб чиқариш	**49,2**	**49,8**	**106,9**
- Саноат	20,9	21,8	105,9
- Қишлоқ хўжалиги	23,0	22,4	107,1
- Қурилиш	5,1	5,3	110,7
Хизматлар кўрсатиш	**39,4**	**38,5**	**108,1**
- Транспорт	12,0	11,4	111,5
- Савдо	9,1	9,1	109,7
- Бошқа кўрсатилган хизматлар	18,3	18,0	105,0
Экспорт-импорт операциялари	**11,4**	**11,7**	**106,2**

1. 2006 ЙИЛДАГИ ИҚТИСОДИЙ КОНЪЮНКТУРА ТАҲЛИЛИ ВА ИСТИҚБОЛ КЎРСАТКИЧЛАРИ

1.1 МАКРОИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТ ВА РЕАЛ СЕКТОР ТАҲЛИЛИ

1.1.1 Иқтисодий ўсиш тенденциялари

Муҳтарам Президентимиз 2006 йил 10 февралда Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишида сўзлаган маърузаларида таркибий ислоҳотлар кўламларини ҳамда иқтисодиётни модернизация қилишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш жорий йилдаги устувор вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтган эдилар.

Мазкур устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда Марказий банкнинг монетар сиёсати банк тизимида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш орқали маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга ва экспортни рағбатлантиришга йўналтирилди.

(Давоми 2-бетда).

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 19 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	968,32
1 Англия фунт стерлинги	2421,92
1 Дания кронаси	217,80
1 БАА дирҳами	337,50
1 АҚШ доллари	1239,53
1 Миср фунти	217,06
1 Исландия кронаси	18,06
1 Канада доллари	1071,15
1 Хитой юани	158,43
1 Қувайт динори	4287,84
1 Россия рубли	47,08
1 Украина гривнаси	245,45
100 Ливан фунти	82,03
1 Малайзия ринггити	348,92
1 Норвегия кронаси	199,28
1 Польша злотийси	428,44
1 Сингапур доллари	804,32
1 СДР	1861,63
1 Туркия лираси	869,24
1 Швеция кронаси	179,12
1 Швейцария франки	1015,92
1 ЕВРО	1622,67
10 Жанубий Корея вони	13,44
10 Япония иенаси	104,99

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Банклар томонидан жорий қилинаётган имтиёзли кредитлар тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаган жисмоний шахсларга жуда қўл келмоқда. Бундан ташқари, аҳоли эътиборига ҳавола қилинаётган турли номдаги миллий ва хорижий валютадаги депозитлар, шунингдек, жаҳон амалиётида кенг қўлланиб келинаётган электрон карточкалар ва SMS banking сингари замонавий хизматлар мижозлар эҳтиёжини мунтазам қондириб бормоқда.

Хусусан, бунга Марказий Банкнинг Наманган вилоят Бош бошқармаси томонидан олиб борилаётган кредит ва депозит сиёсати, хорижий банклар билан алоқалар самарадорлиги яққол мисол бўла олади. Масалан, вилоят банклари жорий йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 11 млрд. 725 млн. 300 минг сўм миқдорида кредит ажратди. Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун жалб қилинган ушбу маблағларнинг 10 млрд. 724 млн. сўми банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан бўлса, қолган қисми (1 млрд. 1 млн. сўми) бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан берилган.

Вилоят иқтисодиёти асосан аграр соҳага ихтисослашганлиги боис мазкур кредитларнинг кўп қисми қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган. Шунингдек, кредитларнинг 30 фоизи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, 24 фоизи айланма маблағларни тўлдиришга ва қолган қисми қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини такомиллаштиришга ажратилган.

2006 йилнинг 9 ойи давомида жами 3814 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 млрд. 718 млн. сўм миқдорида микрокредитлар бериш эвазига вилоятда 4537 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, вилоят банклари томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434 сонли Фармони талабларига мувофиқ банклар жорий йилнинг уч кварталида 1200 га яқин тадбиркор аёлга 1 млрд. 179 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратди.

(Давоми 6-бетда).

ҚУЛАЙ, ХАВФСИЗ ВА ИШОНЧЛИ

Банк соҳасида ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, фуқароларимиз маблағлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пластик карточкалар асосида пул муомаласини ҳаётга кенг жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк" мазкур тўлов воситасини ҳаётга изчил татбиқ этиб келаётган етакчи молия муассасаларидан.

«Пахта Банк»нинг Тошкент шаҳар Амалиёт бошқармаси «Пластик карточкалар билан ишлаш ва терминалларни жойлаштириш» бўлими «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда республика Президенти ва ҳукуматнинг тегишли қарорлари асосида фаолият олиб бормоқда.

Мазкур банк бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, иш самарадорлигини ошириш, капиталлашиш даражасини кўтариш, инвестиция жараёнлари ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларига йўналтирилган стратегик ривожлантириш дастури доирасида бошқарманинг «Пластик карточкалар билан ишлаш ва терминалларни жойлаштириш» бўлими қатор ишларни амалга ошириб келаётгани ҳам диққатга сазовор.

(Давоми 6-бетда).

ПУЛ-КРЕДИТ СОҲАСИДАГИ МАВЖУД ВАЗИЯТ ВА МОНЕТАР СИЁСАТНИНГ 2007 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга Ҳукуматимиз томонидан аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда уларни иш билан таъминлаш мақсадида ЯИМ таркибида хусусий сектор улушини ошириш, кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг ижобий натижалари реал секторда ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори суръатлар билан ўсиши, нархлар барқарорлигининг таъминланиши, олтин-валюта захираларининг кўпайиши ва энг муҳими, аҳоли реал даромадларининг ошишида ўз аксини топмоқда.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ). Амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида 2006 йилнинг ўтган 9 ойида реал секторнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши кузатилди. Жумладан, ЯИМнинг реал ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,3 фоизни ташкил қилди.

2006 йилнинг 9 ойи давомида аҳоли даромадлари 31,9 фоизга ошиб, 9301,4 млрд. сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, аҳолининг истеъмол товарлари ва хизматларига қилган харажатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32,0 фоизга ортиб 6711,0 млрд. сўмни ташкил этди.

2006 йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқариш таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар, яъни нодавлат секторда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ҳажмининг ошиб бориши кузатилди. Жумладан, республикамизда жорий йилнинг январ-сентябр ойларида яратилган ЯИМнинг 76,5 фоизи нодавлат секторда, унинг 30,7 фоизи фуқароларнинг хусусий мулки ҳисобига яратилди.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2006 йилда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари муҳим аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирлар, хусусан банклар томонидан пахта ва ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадида имтиёзли кредитларнинг ажратилиши натижасида ушбу соҳада иқтисодий фаоллик кузатилиб, ишлаб чиқариш суръатлари сезиларли даражада ўсди. Бу эса, ўз навбатида ЯИМ ҳажмининг ўсишида муҳим омил бўлди. Жумладан, 2006 йилнинг январ-сентябр ойларида қишлоқ хўжалигида реал ишлаб чиқариш ҳажми 7,1 фоизга ўсиб 5169,5 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99,7 фоизи нодавлат сектор улушига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқончилик соҳаси салмоқли ўринни эгаллаб, ишлаб чиқаришнинг асосий қисми, яъни 64,0 фоизи деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва жойларда аҳолининг иш билан бандлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларини сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича меърий-ҳуқуқий база шакллантирилди.

Президентимизнинг мазкур қарорига асосан 2006 йилда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва моллари сотиб олиш учун 24,5 млрд. сўмлик кредит ажратилиши кўзда тутилган ҳолда жорий йилнинг 9 ойида 27,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, чорвачилик соҳасининг юқори суръатлар билан ўсишида муҳим пойдевор бўлди.

Саноатда жорий йилнинг 9 ойида 10414,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу соҳадаги реал ўсиш 10,2 фоизни ташкил этди. Жумладан, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳасида ўсиш 24,6 фоизни, кимё ва нефт-кимё соҳасида 19,8 фоизни, енгил саноатда 9,6 фоизни, озиқ-овқат саноатида 29,8 фоизни, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда 11,8 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 20,9 фоизга, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари 19,2 фоизга ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 22,2 фоизга ошди. Саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг 78,6 фоизи нодавлат секторида ишлаб чиқарилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш юқори суръатларда, яъни 16,4 фоизга ўсиб, 1455,8 млрд. сўмни ташкил этди. Пуллик хизматларнинг асосий қисми, яъни 57,2 фоизи ёки 832,4 млрд. сўми расмий сектор ҳиссасига тўғри келди ва ўсиш суръатлари 19,3 фоизни ташкил этди. Бунда, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажми 12,6 фоизга ошди ва 623,4 млрд. сўмни ташкил этди. Унинг салмоғи эса кўрсатилган пуллик хизматлар умумий ҳажмининг 42,8 фоизини ташкил этди. Хўжалик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг 74,9 фоизи нодавлат ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.

Инвестиция ва қурилиш: асосий капитални кўпайтиришга йўналтирилган инвестиция ҳажми жорий йилнинг 9 ойида 2606,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,0 фоизга кўпдир. Инвестиция қилинган жами маблағларнинг 26,2 фоизини марказлаштирилган маблағлар ва 73,8 фоизини марказлашмаган маблағлар ташкил қилди.



Ушбу даврда асосий капитални кўпайтиришга йўналтирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 408,8 млрд. сўмни ташкил этиб, бу маблағларнинг 101,8 млрд. сўми ёки 24,9 фоизи давлат мулкидаги корхоналар, 228,9 млрд. сўми ёки 56 фоизи хорижий капитал иштирокидаги корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотларига тегишлидир.

Инвестиция маблағларининг асосий қисми, яъни 1671,7 млрд. сўми ёки 64,1 фоизи ишлаб чиқариш объектларини қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашга, 734,4 млрд. сўми ёки 43,4 фоизи эса ноишлаб чиқариш соҳаларига, жумладан турар жойлар ва таълим объектлари қурилишига сарфланди.

1.1.2 Инфляция

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг берган расмий маълумотларига кўра, истеъмол баҳолари индекси (ИПЦ) бўйича ҳисобланган инфляция даражаси 2006 йилнинг ўтган 9 ойида 3,7 фоизни ташкил қилди.

Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган макроиқтисодий кўрсаткичлар билан пул-кредит параметрларини ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда монетар сиёсатнинг олиб борилиши натижасида ички истеъмол товарлари бозорида нархлар даражаси ўсишининг жорий йил охиригача 7 фоиздан ошмаган миқдорда бўлиши кутилмоқда.

Марказий банк томонидан Республика ҳудудларида нархлар ўзгариши борасида олиб борилган мониторинг ва ўрганишлар, истеъмол маҳсулотлари бозори конъюнктураси ва уларнинг халқаро бозордаги нархлари динамикаси таҳлили натижалари шуни кўрсатмоқдаки, республикамизда инфляция даражасига асосан номонетар омиллар сезиларли даражада таъсир этмоқда.

Номонетар омилларнинг инфляция даражасига таъсирини пасайтириш мақсадида Ҳукумат, Марказий банк ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси томонидан тартибга солинадиган хизматлар нархларининг, жумладан коммунал хизматлар тарифларининг ўсишини олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Марказий банк олдидаги муҳим вазифалардан бири келгусида номонетар омилларнинг инфляция даражасига таъсирини ҳисобга олган ҳолда монетар сиёсатни амалга ошириш бўлиб, бунда истеъмол товарлари бозорида нархлар мувозанати ва миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш мақсадида қатъий пул-кредит сиёсати ва инфляциянинг паст даражада бўлишига хизмат қилувчи валюта сиёсати давом эттирилади.

Шунингдек, Марказий банк Ҳукумат билан биргаликда инфляцияга таъсир қилувчи номонетар омилларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириб, инфляциянинг 6-8 фоиз миқдорида бўлишини таъминлаш учун ўз тасарруфидаги барча воситаларни тўлиқ ишга солиб боради.



1.2 ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

1.2.1 Жаҳон иқтисодиёти ривожланиши

2006 йилнинг 9 ойи давомида жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг реал ўсиш даражаси йилига 5,0 фоизни ташкил этди. Халқаро молия институтларининг прогноз маълумотларига кўра, бу ўсиш йил охирига бориб 5,1 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Сўнгги йилларда жаҳон бозорида табиий ресурслар нархларининг тез суръатларда ўсиши рўй бермоқда. Жумладан, ўтган даврда нефт ҳамда рангли металлар нархларининг жадал ўсаётганлиги кузатилди. Хусусан, металлар нархи 2002 йиллардагига нисбатан 180 фоизга, нефт нархи эса 157 фоизга ошди. Дунё бозорида рангли металлар нархининг ошишига асосан Хитойда қора ва рангли металлга бўлган талабнинг таклифга нисбатан ошиб бораётганлиги қаттиқ таъсир кўрсатди.

Халқаро Пахта Консультатив Қўмитаси Котибияти (ISAC) берган маълумотларига кўра, 2006 йилда жаҳон бозорида пахта ишлаб чиқариш ҳажми 330,0 минг тоннага ортиб 25,0 млн. тоннани ташкил этиши кутилмоқда. Шу билан бирга, пахтага бўлган талаб 2005 йилга нисбатан 780,0 минг тонна ёки 3 фоизга ортиб 25,6 млн. тоннани ташкил этмоқда. Натижада, жорий йилнинг ўтган 9 ойида 1 тонна пахта толасининг нархи йил бошига нисбатан 29 долларга ошиб 1 октябр ҳолатига кўра 1240 долларни ташкил қилди.

Шунингдек, жорий йилда олтин нархининг юқори даражада ўсиши кузатилди ва йил бошига нисбатан унинг нархи (1 троя унцияси) ўртача 87,90 долларга ошиб, 1 октябр ҳолатига кўра 600,9 долларни ташкил қилди.

2006 йилнинг бошида жаҳон бозорида 1 баррел нефтнинг нархи 61,57 долларни ташкил этган эди. Мазкур хом ашёнинг нархи август ойида энг максимал даражасига, яъни 78,46 долларга кўтарилган бўлса, 1 октябрга келиб унинг нархи 66,4 долларгача пасайди.

Жорий йилда жаҳон молия бозорларида АҚШ долларининг дунёнинг бошқа асосий валюталарига нисбатан алмашув курси пасайганлиги кузатилди, жумладан у еврога нисбатан 7,3 фоизга, фунт стерлингга нисбатан 9,5 фоизга пасайди.

Жаҳонда рўй бераётган ушбу ўзгаришлар республикамиз иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатиб, тўлов балансининг шаклланишида ўз аксини топмоқда.

1.2.2 Тўлов баланси

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилнинг ўтган давридаги тўлов баланси макроиқтисодий ҳолат, хусусан ташқи савдо ва экспортни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши

Истеъмол баҳолари индекси бўйича инфляция динамикаси, фоизларда

	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й. прогноз	2006 й. кутилаётган
Йиллик	21,6	3,8	3,7	7,8	6,0 - 8,0 8,0	6,8

натижаларидан келиб чиққан ҳолда шаклланди. Бунда Марказий банк томонидан валюта алмашув курсининг барқарорлигини таъминланиши экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, экспорт қилинаётган товар ва хизматлар ҳажмининг ўсишига замин яратмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган омиллар мамлакатимиз экспорт ҳажми ва тўлов баланси ижобий қолдиғининг ошишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида олтин-валюта захираларининг тобора ўсиб боришида ўз аксини топмоқда.

Шунингдек, республикамиз ташқи савдо айланмаси тенденцияларида ҳам ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Хусусан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан алоқаларнинг янги босқичга кўтарилиши муносабати билан ушбу давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо айланмаси жорий йилнинг январ-сентябр ойларида 30,3 фоизга ошди.

Натижада, жорий йилнинг ўтган даврида ташқи савдо айланмасининг умумий суммаси 7557,1 млн. долларни ташкил



қилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 10,5 фоизга, шу жумладан, экспорт 13,0 фоизга ва импорт 7,3 фоизга кўпдир.

Сўнгги йилларда экспортнинг тобора ошиб бориши олтин-валюта захиралари миқдорининг сезиларли даражада ўсиб боришида ўз аксини топмоқда. Жумладан, олтин–валюта захиралари ҳажми 2005 йилда 34,9 фоизга ошган бўлса, у жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 37,6 фоизга ўсди.

Давлатимиз томонидан экспортни рағбатлантиришга қаратилган валюта сиёсатининг юритилиши натижасида жорий йилнинг ўтган даврида товарлар ва хизматлар экспорти импортга нисбатан юқори суръатлар билан ўсди. Хусусан, экспорт ҳажми 4371,7 млн. долларни, импорт ҳажми 3185,4 млн. долларни ташкил қилиб, савдо балансининг ижобий қолдиғи 1186,3 млн. долларни ташкил этди. Шундан 692,6 млн. доллари узоқ хорижий мамлакатлар ва 493,7 млн. доллари МДҲ давлатлари ҳиссасига тўғри келди.

Жорий йилнинг январ-сентябр ойларида ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан пахта толаси экспорти 17,3 фоизга, энергия манбаалари 14,2 фоизга, рангли ва қора металлар 13,7 фоизга, хизматлар 12,9 фоизга, машина ва ускуналар 10,0 фоизга ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари 7,5 фоизга, хусусан халқ истеъмоли моллари экспорти 6,7 фоизга ўсди.

Шунингдек, ушбу даврда импорт таркибида машина ва ускуналар 39,6 фоизга, кимё саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва пластмасса 15,4 фоизга, рангли ва қора металлар 10,6 фоизга, хизматлар 9,5 фоизга, энергия манбалари 4,1 фоизга, озиқ-овқат маҳсулотлари 8,2 фоизга, хусусан халқ истеъмоли моллари 4,5 фоизга ошди.

Умумий экспорт ҳажми таркибида пахта толаси экспорти салмоғи 17,3 фоизни, энергия манбалари 14,2 фоизни, рангли ва қора металлар 13,7 фоизни, хизматлар 12,9 фоизни, машина ва ускуналар 10,0 фоизни, истеъмол маҳсулотлари 7,5 фоизни ва бошқалар 18,6 фоизни ташкил қилди.

Жаҳоннинг 150 дан ортиқ мамлакатлари билан ташқи савдо операциялари амалга оширилди.

Жами ташқи савдо айланмасида Европа давлатларининг улуши 52,0 фоизни, Осиё давлатлари 42,9 фоизни, Америка қитъаси давлатлари 4,6 фоизни, Африка ва Австралия қитъалари давлатлари 0,5 фоизни ташкил этди.

МДҲ давлатлари орасида асосий савдо ҳамкорлари Россия, Қозоғистон ва Украина ҳисобланиб, узоқ хорижий мамлакатлардан Корея, Хитой, Эрон, Туркия, Буюк Британия ва Германия каби бошқа давлатлар асосий ўрин эгалламоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида жами экспорт ҳажмида Россия давлати салмоғи 26,2 фоизни, Эрон 10,6 фоизни, Туркия 9,6 фоизни, Хитой 5,8 фоизни, Украина 5,8 фоизни ва Буюк Британия салмоғи 3,6 фоизни ташкил қилди.

Мос равишда жами импорт ҳажмида Россия давлати салмоғи 25,8 фоизни, Хитой 7,6 фоизни, Германия 6,0 фоизни, Украина 5,7 фоизни, Туркия 3,4 фоизни ва Буюк Британия салмоғи 1,8 фоизни ташкил қилди.

Экспорт ҳажмининг импортга нисбатан юқори суръатларда ошиши натижасида 2006 йилнинг ўтган 9 ойи давомида тўлов балансининг жорий операциялар бўйича ижобий қолдиғининг ЯИМ га нисбати 25 фоиз миқдорда бўлишига эришилди.

1.3 МОНЕТАР СИЁСАТ ВА УНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

1.3.1 Пул-кредит соҳасида амалга оширилган ишлар

2006 йилда Марказий банк томонидан юритилган пул-кредит сиёсати банк тизими олдига қўйилган асосий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳамда «Монетар сиёсатнинг 2006 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари»га мувофиқ амалга оширилиб борилмоқда.

Хусусан, нархлар даражаси ўсишининг олдини олиш орқали миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, шунингдек иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган монетар сиёсат олиб борилди. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар инфляция даражасининг 2006 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлари 7 фоиздан ошмаслиги ва ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 7,2 фоиз даражасида бўлишини таъминлашга қаратилмоқда.

Шунингдек, жорий йилда монетар сиёсатни амалга оширишда ташқи омилларнинг ички бозоримиздаги нархлар ўзгаришига кўрсатадиган таъсирини пасайтиришга катта эътибор қаратилди.

Хусусан, ташқи омилларнинг ички бозорга салбий таъсирини олдини олиш ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди.

Иқтисодиётимизга жаҳон бозорида рангли металлар нархларининг ошишидан келиб тушадиган қўшимча валюта ресурсларининг Жамғарма ҳисобрақамида жамланиши ва ушбу маблағлардан фойдаланишнинг тартибга солиниши ҳам пул-кредит ва валюта сиёсатининг самарадорлигини оширмоқда. Хусусан,



Жамғарма фаолияти иқтисодиётда пул массасининг асоссиз ўсиши олдини олиш орқали нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Олтин-валюта захираларининг пул массасига таъсирини пасайтириш ҳамда муомаладаги ортиқча ликвидлиликни стерилизация қилиш мақсадида Марказий банк томонидан пул бозоридаги ҳолат доимий равишда таҳлил қилиниб, пул-кредит сиёсатининг бозор воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда тезкор чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.

Жумладан, тижорат банкларининг ортиқча ликвид маблағларини депозитларга жалб қилиш, Марказий банк облигациялари ва Давлат қимматли қоғозлари билан ўтказиладиган операциялар ҳажмини кенгайтириш орқали пул-кредит кўрсаткичларининг мақсадли параметрлар доирасида бўлишига эришилди ва натижада инфляция даражасининг ўсишининг олди олинди.

Олиб борилган самарали пул-кредит сиёсати натижасида иқтисодиётда тижорат банкларининг молиявий воситачилик роли ошиб бораётганлиги сўнгги йилларда монетизация даражасининг ўсишига олиб келмоқда.

Монетизация даражаси, яъни пул массасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатининг тобора ўсиб бораётганлиги банк тизими томонидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлигининг ошаётганлиги, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларда банк тизимининг роли ўсаётганлиги ҳамда аҳолининг тижорат банкларига бўлган ишончи мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилган қатор чора-тадбирлар аҳоли ва хўжалик субъектлари томонидан банк тизимига бўлган ишончнинг янада ошишига хизмат қилмоқда.

1.3.2 Валюта сиёсати

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасида 2005 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда сўзлаган маърузаларида экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта ресурсларини тежашни, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш зарурлигини таъкидлаб ўтган эдилар.

Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда Марказий банкнинг валюта сиёсати миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш билан бирга мамлакат экспорт салоҳиятини рағбатлантириш ва экспорт маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга ҳамда валюта ресурсларидан тежаб фойдаланишга қаратилди.

Ички валюта бозорига ташқи омиллар таъсирини пасайтириш ҳамда уни самарали тартибга солиш мақсадида Марказий банк томонидан валюта алмашув курсининг ўзгариб борувчи-бошқариладиган стратегияси қўлланиб борилди. Шундан келиб чиққан ҳолда Марказий банк томонидан валюта бозорини тартибга солиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар алмашув курсини мақсадли коридор доираларида ушлаб туришга қаратилди.

Шу билан бирга, миллий валюта барқарорлиги ва инфляциянинг паст даражада бўлишини таъминлаш мақсадида миллий валютанинг девальвация даражасини пасайтириш чоралари кўрилди. Натижада, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан номинал девальвацияси 4,2 фоизни ташкил этди ва бу 2005 йилнинг шу даврига нисбатан икки мартага паст бўлди.

Жумладан, бир АҚШ доллари 2006 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 1180,0 сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига келиб, у 1229,8 сўмни ташкил қилди. Мазкур валюта курсининг 2006 йил учун Марказий банк томонидан прогноз қилинган кўрсаткичлари доирасида бўлишининг таъминланганлиги ўз навбатида истеъмол маҳсулотлари нархларини паст даражада ушлаб туриш учун қўшимча омил сифатида хизмат қилди.

Валюта бозорини тартибга солишда эришилган ютуқлар иқтисодиётдаги қатор ижобий ўзгаришларда, жумладан республикада инвестицион вазиятнинг янада яхшиланишида, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифати ва ҳажмининг ошганлигида ҳамда ички бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишида ўз аксини топмоқда.

1.3.3 Монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фойдаланиш

2006 йилда Марказий банк тижорат банклари ликвидлигини самарали тартибга солиш ҳамда белгиланган макроиқтисодий ва пул-кредит кўрсаткичларга эришиш, шунингдек миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида пул бозорини тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини жорий этиш, монетар сиёсат воситаларини янада такомиллаштириш ва кенгайтиришни давом эттирди.

Очиқ бозордаги операциялар банк тизими ликвидлигини тартибга солишнинг асосий инструменти сифатида Марказий банк томонидан мунтазам равишда кенг қўлланилиб, унинг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки янада фаоллашди. Ўтган давр мобайнида Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилган Давлат қисқа ва ўрта муддатли облигациялари ҳамда Марказий банк облигациялари билан бирламчи ва иккиламчи бозорларда олди-сотди операциялари амалга оширилди.

Хусусан, 2006 йил 1 октябр ҳолатига кўра, Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган облигациялар миқдори 4,8 млрд. сўмни ташкил этиб, уларнинг барчаси банк бўлмаган сармоядорлар ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга, жорий йилнинг ўтган даврида Молия вазирлиги томонидан юридик шахслар учун чиқарилган облигацияларни сармоядорлар ўртасида жойлаштириш бўйича мунтазам равишда кимошди савдолари ва уларнинг иккиламчи савдолари ўтказиб борилди.

Жумладан, жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра муомаладаги облигациялар ҳажми 49,1 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 35,5 млрд. сўми (ёки 72 фоизи) банклар ҳиссасига, қолган 13,6 млрд. сўми (ёки 28 фоизи) корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга ўтган давр мобайнида Марказий банк пул бозоридаги ортиқча ликвидлиликни стерилизация қилиш мақсадида тижорат банкларининг пул маблағларини махсус депозитларга ва Марказий банкнинг депозит сертификатларига жалб қилиш операцияларини мунтазам равишда давом эттирди. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу депозитларга жалб қилинган маблағларнинг ўртача ойлик миқдори 533,7 млрд. сўмни ташкил этиб, у 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 мартага ошди.

Қатъий пул-кредит сиёсатини давом эттириш мақсадида Марказий банк томонидан жорий йилда мажбурий захира нормалари ўзгартирилмаган ҳолда ушлаб турилди. Аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш мақсадида жисмоний шахслар-



нинг депозитлари мажбурий захира фондига депонентлашдан озод этилган ва бу аҳоли депозитларига юқори фоиз ставкаларини ўрнатиш имкониятини яратмоқда.

(Давоми 4-бетда).

ПУЛ-КРЕДИТ СОҲАСИДАГИ МАВЖУД ВАЗИЯТ ВА МОНЕТАР СИЁСАТНИНГ 2007 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Охири. Боши 1-3-бетларда).

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси пул бозоридаги фоиз ставкаларини белгилашда асосий индикатор ҳисобланиб, 2006 йилда қатъий пул-кредит сиёсатини юритишда у муҳим аҳамият касб этди.

Қайта молиялаш ставкасининг инфляция кўрсаткичидан юқори даражада ушлаб турилганлиги муомаладаги ортиқча ликвидликнинг вужудга келмаслигига замин яратди ҳамда пул бозорида реал фоиз ставкаларининг ижобий бўлишини ва молия бозорининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлади.



Шу билан бирга инфляция кўрсаткичи тенденцияси ва инфляцион кутилмаларнинг барқарор паст даражада бўлиши ҳамда тижорат банкларининг кредит ва депозит учун фоиз ставкаларининг пасайиб бораётганлиги Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини ўзгартириш учун замин яратди. Марказий банк 2006 йилнинг 15 июлидан бошлаб қайта молиялаш ставкасини йиллик ҳисобда 16 фоиздан 14 фоизга туширди.

1.3.4 Фоиз ставкалари динамикаси

Сўнгги йилларда инфляция даражасининг жиловланиши тижорат банкларининг депозит ва кредит фоиз ставкаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан кредит ва депозитлар бўйича ўрнатилаётган фоиз ставкалари, банклараро пул бозоридаги фоиз ставкалари ҳамда давлат қимматли қоғозларининг даромадлилик даражаси пасайиб бормоқда.

Хусусан, тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкасининг сентябр ойида йил бошига нисбатан 1,5 фоизга пасайиши кузатилди. Шу жумладан, узоқ муддатли кредитлар бўйича ўрнатилган фоиз ставкаларининг йил давомида 18,2 фоиздан 16,3 фоизгача, яъни 1,9 фоизга пасайганлиги инфляцион кутишларнинг пасаяётганлигидан далолат бермоқда.

Шунга мос равишда тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар бўйича фоиз ставкалари ҳам пасайиб бормоқда. Жумладан, жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари йил бошидаги 31,0 фоиздан 24,2 фоизгача пасайди.

Бундан ташқари, давлат қимматли қоғозларининг (давлат қисқа муддатли облигациялари ва давлат жамғарма ғазначилик облигациялари) даромадлилик даражаси жорий йилда 11,6 фоиздан 7,0 фоизгача пасайди. Пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси сентябр ойида йиллик ҳисобда 10,2 фоизга тенг бўлди.

1.4 БАНК - КРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

1.4.1 Банк тизимининг ҳолати ва унинг ривожланиши

2006 йилнинг ўтган даври мобайнида Ҳукуматимиз ва Марказий банк томонидан олиб борилган изчил ислоҳотлар банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш орқали аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада оширишга қаратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида банк тизимида ислоҳотлар давом эттирилгани ҳолда, банкларнинг молиявий воситачилик ролини ошириш мақсадида аҳоли ва корхоналар жамғармаларини банк акциялари ҳамда омонатларга кенг жалб қилиш ҳисобига банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш ва мазкур маблағларни тақсимлаш самарадорлигини кучайтириш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, банк секторини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш юзасидан 2005-2007 йилларга мўлжалланган Дастурда кўзда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида банклар регулятив капиталининг минимал миқдорини босқичма-босқич ошириб бориб, уни 2007 йил 1 январдан бошлаб хусусий банклар учун 2,5 млн. АҚШ доллар эквиваленти, тижорат банклари учун эса 5 млн. АҚШ доллар эквивалентигача етказиш ишлари амалга оширилди.

Натижада, тижорат банкларининг капиталлари миқдори йил бошига нисбатан 97 млрд. сўмга ёки 10,4 фоизга ошиб, 2006 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра 1 028 млрд. сўмни ташкил этди.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, банкларнинг капиталлашувида жисмоний шахс бўлган акциядорларнинг сони ортмоқда. Хусусан, 2006 йил 1 октябр ҳолатига кўра улар 119 мингтани ёки банк тизимидаги барча акциядорларнинг 63,5 фоизини ташкил этмоқда.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган 2005-2006 йилларда банк активларини кўпайтириш бўйича амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида банк активлари жорий йил бошига нисбатан 1 489 млрд. сўмга ёки 26,4 фоизга ошиб, 2006 йил 1 октябр ҳолатига кўра 7 120 млрд. сўмни ташкил қилди.

Банкларнинг активлари ошиб бораётганлигини тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишга доимий равишда эътибор қаратилаётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Хусусан, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг банклардаги омонатлари қолдиғи жорий йил бошига нисбатан 190 млрд. сўмга ёки 42,4 фоизга ортиб, 2006 йил 1 октябр ҳолатига кўра 640 млрд. сўмни ташкил этди. Натижада, аҳоли омонатлари банклардаги жами депозитларининг 28 фоизни ташкил қилди.

Аҳолининг банклардаги омонатлари таркибида муддатли ва жамғарма омонатлари улуши ўсиб бормоқда. Бу эса банклар умумий ресурс базасининг ошиши натижасида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш учун ажратилган кредитлар ҳажмининг сезиларли даражада ортишига олиб келмоқда.

Шунингдек, банклар томонидан 3 йилдан ортиқ муддатга ажратиладиган инвестицион кредитлардан олинадиган даромадлар ўз капиталини оширишга йўналтирилган тақдирда, мазкур маблағлар даромад солиғидан озод этилиши ҳам банклар томонидан узоқ муддатли инвестицион кредитлар ажратиш учун муҳим туртки бўлди.

Марказий банк ҳамда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш мақсадида 2006 йилнинг 9 ойи давомида кичик бизнес субъектларига тижорат банкларининг ўз маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан жами 384,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлиб, унинг 242,3 млрд. сўми ёки 63,1 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Ушбу кредитларнинг 89,6 фоизи, яъни 344,2 млрд. сўми тижорат банкларининг ўз маблағлари, 6,5 фоизи ёки 25,1 млрд. сўми хорижий кредит линиялари ва 3,9 фоизи ёки 14,9 млрд. сўми бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан ажратилди. Мазкур маблағларнинг ажратилиши натижасида 2006 йилнинг 9 ойи давомида 71 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Банклар томонидан кредитлар ва бошқа активлар таъминоти остида ўз қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали барқарор ресурс базасини шакллантириш рағбатлантирилаётганлиги уларнинг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида тижорат банклари томонидан ўз ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида жами 32 млрд. сўмлик банк қимматли қоғозлари эмиссияси рўйхатга олинган бўлиб, ҳозирги кунда банклар томонидан чиқарилган муомаладаги депозит ва омонат сертификатлари қолдиғи 28,5 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Шунингдек, банк тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, замонавий тўлов шакли бўлган пластик карточкалардан фойдаланиш кенг жорий этиб борилиши натижасида 2006 йилнинг январ-октябр ойларида тижорат банклари томонидан 988,4 минг донага яқин пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, уларнинг сони 3 млн. 88 минг донадан ошиб кетди. Ҳозирги кунда ушбу пластик карточкаларга савдо шохобчаларида ўрнатилган 11,4 мингдан зиёд терминаллар хизмат кўрсатмоқда ва улар орқали амалга оширилган трансакциялар ҳажми 198 млрд. сўмни ташкил этди.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида жорий йилнинг 5 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан АТ "Тадбиркорбанк" негизида янги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ташкил топди.

Бу эса ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, айниқса олис ҳудудларда микрокредитга бўлган талабни қондиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга «Микромолиялаш тўғрисида», «Ипотека тўғрисида» ва «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги муносабати билан иқтисодиётни кредитлаш жараёнларидаги меъёрий-ҳуқуқий база мустаҳкамланди ва бу банклар томонидан ажратиладиган кредитлар миқдорининг кенгайтиришга замин яратмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли қарорига асосан, тижорат банклари томонидан ташкил этилаётган мини-банкларга оид харажатларнинг солиққа тортиладиган базадан чиқарилиши қишлоқ жойларидаги аҳоли, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун хизмат кўрсатувчи мини-банклар сонининг янада ортишига туртки бўлмоқда.

Жумладан, банк хизматлари турларини ошириш ва бунда аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида банклар томонидан ташкил этилаётган мини-банклар сони йил бошига нисбатан 337 тага кўпайди ва 2006 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра уларнинг умумий сони 1 787 тани ташкил этди.

Шунингдек, банк мижозларининг вақтини тежаш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида амалиётга жорий этилган «Банк-мижоз» дастурий мажмуасидан фойдаланувчи мижозлар сони йил бошига нисбатан 373 тага ортиб, ҳозирги кунда уларнинг сони 3 030 тага етди.

1.4.2 Банкларни назорат қилиш ва улар фаолиятини тартибга солиш

Банк тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири - бу самарали банк назоратини ташкил этишдир. Республикамизда банкларни назорат қилиш тизими Банк назорати бўйича халқаро Базел қўмитаси тамойиллари асосида ташкил этилган бўлиб, бу масофадан назорат қилиш ва банкларда бевосита инспекция текширувларини ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

Банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳисобот йилида барча тижорат банклари фаолияти ушбу рейтинг тизими асосида инспекциядан ўтказилди ҳамда уларнинг реал молиявий ҳолати аниқланиб, тегишли рейтинг даражаси билан баҳоланди.

Банк фаолиятини назорат қилиш жараёнида тижорат банкларининг активлари таркиби ва сифати, уларнинг даромадлилик даражаси, банклар томонидан активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши етарли даражада захиралар шакллантирилганлиги, банк капиталининг етарлилик даражаси ҳамда ликвидлилик кўрсаткичлари таҳлил қилиб борилди.

Шунингдек, тижорат банклари кредит портфелини соғломлаштириш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банкларининг кредит портфели таркибидаги муаммоли активларининг ундирилиши устидан мониторинг ишлари давом эттирилиб, тўлов муддати ўтган кредитлар салмоғини янада камайтириш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, молия интизомини мустаҳкамлаш, кредит операциялари бўйича таваккалчиликларни камайтириш ва потенциал қарз олувчилар тўғрисида ахборот билан таъминлашнинг халқаро тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахборот миллий институти (КАМИ) ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда КАМИ томонидан тижорат банкларидан олинадиган маълумотлар – кредит, лизинг ҳамда факторинг операциялари ва уларнинг қарздорлари тўғрисидаги ахборотлар асосида маълумотлар базаси автоматик тарзда шакллантирилиб, қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисида маълумотлар жамланмоқда.

Бу эса тижорат банкларининг потенциал қарз олувчилар тўғрисидаги маълумот базасини кенгайтириб, кредит операциялари бўйича вужудга келиши мумкин бўлган таваккалчиликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

1.4.3 Нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш

Бугунги кунда республикамизда кичик бизнес субъектларига тижорат банклари орқали молиявий кўмак бериш билан бир қаторда муқобил кредит ташкилотларини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, кредит уюшмаларини ташкил этишга меъёрий-ҳуқуқий замин яратилгандан сўнг уларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида Марказий банк томонидан 8 та янги кредит уюшмасига ли-

цензиялар берилди ва ҳозирда республикамиз бўйича уларнинг умумий сони 32 тани ташкил этди. Шунингдек ушбу даврда 4 та ломбард ташкил қилиниб, фаолият юритаётган ломбардлар сони 11 тага етди.

Жорий йилнинг ўтган даврида кредит уюшмаларининг активлари йил бошига нисбатан 85,1 фоизга ошиб, уларнинг жами активлари 2006 йил 1 октябр ҳолатига кўра 14 946 млн. сўмни ташкил этди.

Мазкур кредит уюшмалари аъзоларининг умумий сони 2006 йилнинг 9 ойида 14 207 тага ўсиб, 2006 йил 1 октябр ҳолатига кўра 47 876 тани ташкил қилди. Шундан, 47 147 таси ёки 98,5 фоизи жисмоний шахслардан иборатдир.

2006 йилнинг ўтган даврида кредит уюшмалари томонидан кредит ажратишда уларнинг халқаро меъёрлар талабларига мувофиқ кредит портфелининг жами активлардаги улуши 85 фоиздан ошмаслиги таъминланди.

Кредит уюшмалари аъзоларининг кредит олишга бўлган талабларини қондиришда уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун микрокредитлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, 2006 йил 1 октябр ҳолатига кўра кредит уюшмаларининг ўз аъзоларига ажратган кредит қолдиқлари 13 059 млн. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич йил бошига нисбатан 5 968 млн. сўмга ёки қарийб 1,8 мартадан зиёдроққа ўсди.

Маълумки, 2006 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кредит уюшмалари фаолиятининг қонунчилик базасини яхшилаш, шунингдек, кредит уюшмалари тизимини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур Қонун доирасида кредит уюшмаларига лизинг операцияларини амалга ошириш, республика худудларида ўз филиалларини очиш ҳамда Марказий банк томонидан ушбу кредит ташкилотларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли тартибда касса амалиётларини ўтказиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, бугунги кунда республикамизда кичик бизнес субъектларига тижорат банклари орқали молиявий кўмак бериш билан бир қаторда, бу ишларни муқобил кредит ташкилотлари, хусусан микрокредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш йўли билан жадаллаштиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» Қонуннинг қабул қилинганлиги натижасида микрокредитлаш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар сонининг кескин ортиши ва ушбу тизим орқали микрокредитга бўлган талабнинг тўлиқ қондирилишига имконият пайдо бўлиши кутилмоқда.

2.МОНЕТАР СИЁСАТНИНГ 2007 ЙИЛДАГИ МАҚСАДЛАРИ ВА ИНСТРУМЕНТЛАРИ

2.1 МОНЕТАР СИЁСАТНИНГ 2007 ЙИЛДАГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

2007 йилда Марказий банк иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш билан бир қаторда истеъмол товарлари нархларининг ўсишини олдини олишга йўналтирилган пул-кредит сиёсатини амалга ошириб боради. Бунда амалга оширилган чора-тадбирлар миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга ва тижорат банкларининг молиявий воситачилик ролини ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга қаратилади.

Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари Ҳукумат томонидан 2007 йил учун прогноз қилинган ялпи ички маҳсулот ҳажми ва унинг реал ўсиши, ЯИМ дефляторининг миқдорий кўрсаткичлари ва инфляция даражаси, ҳамда ташқи савдо айланмаси қолдиғининг ижобий бўлиши ва давлат бюджети кўрсаткичлари каби макроиқтисодий параметрларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди.

Хусусан:

- истеъмол нархлари индексининг йиллик даражаси 5-7 фоиздан ошмаслиги;

- ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 7,7 фоизни ташкил этиши;

- бюджет тақчиллигини ЯИМнинг 1 фоизидан ошмаган миқдорида бўлиши;

- соф ташқи савдо айланмасининг ўсиши ва унинг ижобий қолдиғи 2 млрд. доллардан ортиқ бўлиши каби макроиқтисодий кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда Марказий банк ўзининг пул-кредит кўрсаткичларини белгилаб олди.

Келгуси йил учун инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи Ҳукумат томонидан тартибга солинадиган товар ва хизматлар (уй-жой коммунал хизматлари тарифлари, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, электроэнергия, газдан фойдаланиш) нархларининг ўртача нархлар даражасидан, яъни 7 фоиздан ошмаган миқдорда бўлишидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди.

Ҳукумат томонидан нархлари тартибга солинадиган ушбу товар ва хизматлар нархларини белгиланган даражада бўлишини қатъий назорат қилинишининг таъминланиши номонетар омилларнинг инфляция даражасига таъсирини сезиларли даражада пасайтиради.

Шу билан бирга Марказий банк томонидан истеъмол маҳсулотлари нархларига монетар омилларнинг таъсирини пасайтириш ва инфляциянинг белгиланган даражадан ошмаслигини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириб боради.

Хусусан, келгуси йилда ҳам Марказий банк томонидан қатъий пул-кредит сиёсати давом эттирилади. Бунда иқтисодиётнинг пулга бўлган реал талабидан келиб чиққан ҳолда пул таклифини бошқариб бориш мақсадида пул массаси ўсишининг энг қуйи ва энг юқори чегаралари белгилаб олинди.

Пул массасининг ўсиши асосан олтин-валюта захираларининг ошиши хусусан, экспорт ҳажмининг импортга нисбатан тезроқ ўсиши натижасида ташқи савдо айланмаси қолдиғининг ижобий бўлиши ҳисобига рўй бериши прогноз қилинмоқда.

Иқтисодий фаолликни ошириш ва иқтисодиётнинг кредит ресурсларига бўлган талабини қондириш мақсадида қабул қилинган «Ипотека тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида», «Микромолиялаш тўғрисида» ва «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда Ҳукуматимизнинг бир қатор қарорлари ижросининг таъминланиши тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратиладиган кредитлар миқдорининг сезиларли даражада ошишига олиб келади.

Шунингдек, мазкур кредитлар реал ишлаб чиқариш ҳажмини ошишига хизмат қилади ва истеъмол бозорини маҳсулотлар билан тўйинтириш орқали пул массаси ўсишининг инфляцияга таъсирини пасайтиради.

Иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши ва молия бозорининг барқарор бўлиши инфляциянинг паст даражада бўлишига замин яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда 2007 йилда Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади:

- қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва инфляциянинг паст даражада бўлишини таъминлаш мақсадида қайта молиялаш ставкасини ўзгартирмаган ҳолда ушлаб туриш;

- миллий валюта алмашув курсини барқарор ушлаб турган ҳолда уни инфляция даражасини жиловлашга қаратилган механизм сифатида қўллаб бориш;

- бозор инфраструктурасини ривожлантириш ва молия бозорида фоиз ставкасининг таъсирчанлигини ошириш орқали 2010 йилга қадар босқичма-босқич монетар сиёсатнинг инфляцияни таргетлаш (инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлари доирасида бўлишини таъминлаш) механизмига ўтиш чораларини кўриб бориш;

- қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган истеъмол маҳсулотлари нархларининг паст даражада бўлишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб бориш хусусан, Ҳукумат билан биргаликда номонетар омилларнинг нархлар даражасига таъсирини сезиларли даражада камайтириш чораларини кўриб бориш.

Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда Марказий банк томонидан монетар сиёсатнинг бозор инструменларидан кенг фойдаланилади.

2.2 МОНЕТАР СИЁСАТ ИНСТРУМЕНТЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Марказий банк 2007 йилда асосан очиқ бозордаги операцияларни амалга ошириш, қайта молиялаш ставкасини ўрнатиш, мажбурий захира талаблари меъёрини ўзгартириш ва валюта бозорини тартибга солиш инструментлари орқали пул бозорига таъсир этиб боради.

Муомалада ортиқча ликвидлик кўпайиб кетишини олдини олиш мақсадида тижорат банкларининг бўш пул маблағларини махсус депозитларга, ёки Марказий банк қимматли қоғозларига, яъни депозит сертификат ва облигацияларига жалб қилиш операциялари амалга оширилиб борилади.

Марказий банк томонидан қўшимча равишда қимматли қоғозларни муомалага чиқарилиши пул бозоридаги операциялар кўламини кенгайтиришга замин яратади. Жумладан, тижорат банкларида қисқа муддатли ликвидлик танқислиги вужудга келиши кузатилса, Марказий банк пул бозорида қайта молиялаш орқали молиявий маблағларни таклиф этиш операцияларини амалга ошириб боради. Шулар қаторида қимматли қоғозлар гарови остида ломбард кредитларини бериш ва РЕПО операцияларини амалга ошириш, ҳамда хорижий валюта гарови остида кредитлар бериш имкониятларидан фойдаланиб боради.

Шу билан бирга кейинги йилда Марказий банк томонидан олиб бориладиган фоиз сиёсати пул бозоридаги мувозанат ва барқарорликни таъминлаш, тижорат банкларнинг инвестицион фаолиятини рағбатлантириш ҳамда тижорат банкларида депозит ва кредитлар бўйича ўрнатиладиган фоиз ставкаларининг реал ижобий бўлган ҳолда паст даражада бўлишига қаратилади.

Шунингдек, Марказий банк томонидан 2007 йилда мажбурий захира меъёрларини ўзгартирилиши ҳамда депонентлаш тартиби такомиллаштирилишининг амалга оширилиши кўзда тутилган.

Марказий банк тижорат банкларининг ликвидлик даражасини зарурий меъёрларда бўлишини таъминлаш мақсадида вакиллик ҳисобваракдаги маблағларининг мониторингини мунтазам равишда олиб боради ва барча зарурий чораларни амалга оширади.

Шу билан бирга, инфляция даражаси ва миллий валюта девальвацияси суръатларининг пасайиб бориши миллий ва хорижий валютадаги депозитлар учун ўрнатиладиган мажбурий захира талаблари меъёрларини бир-бирига яқинлаштиришга замин яратади. Марказий банк томонидан ушбу чора-тадбирларни амалга оширилиши банк тизимида миллий ва хорижий валютадаги актив ва пассивларининг самарали бошқариш усулубларини такомиллаштириб, миллий валютада операцияларни амалга оширувчи тижорат банкларига кредит бериш учун шарт-шароитларни янада яхшилайди.

Макроиқтисодий ва пул-кредит кўрсаткичларнинг мақсадли параметрларига эришиш мақсадида Марказий банк валюта бозорини тартибга солиш борасида ҳам муайян ишларни амалга ошириб боради.

2007 йилда олиб бориладиган валюта сиёсати республика экспорт салоҳиятини янада оширишга, маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга, экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришга ҳамда мамлакатда истеъмол нархларини паст даражада ушлаб туришга қаратилади.

Шу билан бирга, Марказий банк республикамиз ваколатли банкларининг ташқи иқтисодий фаолият олиб боришлари учун енгилликлар яратиш, биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни амалга ошириш учун улар томонидан валюта маблағларини жалб қилиш ва мижозларга кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш ҳамда банкларааро валюта бозорини янада такомиллаштириш борасида зарурий чораларни амалга ошириб боради.

Узоқ муддатда валюта бозоридаги барқарорликни ҳамда инфляциянинг паст даражада бўлишини таъминлаш мақсадида Марказий банк келгуси йилда миллий валюта алмашув курсининг девальвациясини 5,5 фоиздан ошмаган даражада бўлишига асосий эътиборни қаратади. Валюта алмашув курсининг барқарорлиги олтин-валюта захираларининг етарли даражада бўлишини таъминлайди.

2.3 БАНК ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

2007 йилда банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Банк тизимини янада эркинлаштириш ва молия-кредит секторларини барқарор ривожлантириш орқали аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлари томонидан банк тизимига бўлган ишончни янада мустаҳкамлаш;

- «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги муносабати билан микрокредитлаш жараёнларини янада жонлантириш;

- «Ипотека тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлиги ва ипотека кредитлашнинг зарурий меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилганлиги муносабати билан ипотека кредитлари бозорини ривожлантириш ва ушбу соҳага ажратиладиган кредитлар миқдорини кенгайтириб бориш;

- Тижорат банклари фаолиятининг мустақиллигини ошириш орқали банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш ҳамда уларнинг бозор иқтисодиёти шароитларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- Тижорат банкларига бўлган ишончни ҳамда уларнинг иқтисодиётдаги воситачилик ролини янада ошириш мақсадида банкларга хос бўлмаган назорат функцияларини жумладан, дебитор-кредиторлик қарзлари ҳисобини юритиш ва назорат қилиш, солиқ тушумлари ҳамда экспорт-импорт операциялари бўйича назорат олиб бориш вазифаларини тегишли вазирлик ва идораларга босқичма-босқич ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар амалга ошириб бориш;

- Банкларнинг инвестицион жараёнларда, иқтисодиёт субъектларини кредитлашда ва давлат ташкилотларини хусусийлаштиришдаги иштирокларини кенгайтириш;

- Банк тизимида аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, янги замонавий технологияларни жорий қилиш ҳамда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш;

- Ҳукумат томонидан қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши билан мувофиқ ҳолда ушбу бозорда банклар фаолиятини рағбатлантириш;

- Банклар фаолиятининг корпоратив бошқарув механизмларини янада такомиллаштириш ва сифатини ошириш;

- Банкларнинг молиявий барқарорлиги ва капитализация даражасини ошириш, хусусий ва чет эл капиталини жалб қилишни кенгайтириш орқали тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада яхшилаш;

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Асака банкларини хусусийлаштириш ва уларнинг устав капиталидаги давлат улушини етакчи хорижий банкларга ва халқаро молия институтларига сотиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, жойларда микрокредитлаш, кредит уюшмалари ва ломбардлар фаолиятини кенгайтириш;

- Қишлоқ хўжалигини молиялаш тизимини такомиллаштириш;

- Евроосиё ҳамжамиятига интеграциялашувини жадаллаштириш, ушбу жараёнда банк тизимида олиб борилиши лозим бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

2006 йил 12 декабрдан 18 декабргача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарга нисбатан курсидаги ўзгаришлар*



1 АҚШ доллари

Россия Федерацияси
12.12.2006 й.да - 26,30 росс. рубли
13.12.2006 й.да - 26,26 росс. рубли
14.12.2006 й.да - 26,23 росс. рубли
15.12.2006 й.да - 26,26 росс. рубли
16.12.2006 й.да - 26,33 росс. рубли

Украина
12.12.2006 й.да - 5,0500 гривна
13.12.2006 й.да - 5,0500 гривна
14.12.2006 й.да - 5,0500 гривна
15.12.2006 й.да - 5,0500 гривна

Беларус Республикаси
12.12.2006 й.да - 2141,00 бел. рубли
13.12.2006 й.да - 2141,00 бел. рубли
14.12.2006 й.да - 2140,75 бел. рубли
15.12.2006 й.да - 2140,75 бел. рубли
18.12.2006 й.да - 2141,50 бел. рубли

Эстония
12.12.2006 й.да - 11,8024 крона
13.12.2006 й.да - 11,7785 крона
14.12.2006 й.да - 11,8211 крона
15.12.2006 й.да - 11,8976 крона
18.12.2006 й.да - 11,9503 крона

Латвия
12.12.2006 й.да - 0,5262лат
13.12.2006 й.да - 0,5246 лат
14.12.2006 й.да - 0,5266 лат
15.12.2006 й.да - 0,5300 лат
18.12.2006 й.да - 0,5323 лат

Литва
12.12.2006 й.да - 2,6046 лит
13.12.2006 й.да - 2,5984 лит
14.12.2006 й.да - 2,6088 лит
15.12.2006 й.да - 2,6257 лит
18.12.2006 й.да - 2,6371 лит

Молдова
12.12.2006 й.да - 13,0400 лей
13.12.2006 й.да - 12,9900 лей
14.12.2006 й.да - 12,9900 лей
15.12.2006 й.да - 12,9900 лей
18.12.2006 й.да - 12,9200 лей

Қирғизистон Республикаси
09.12.2006 й.да - 38,7026 сом

Тожикистон Республикаси
12.12.2006 й.да - 3,4052 сомоний
13.12.2006 й.да - 3,4110 сомоний
14.12.2006 й.да - 3,4170 сомоний
18.12.2006 й.да - 3,4180 сомоний

Қозоғистон Республикаси
12.12.2006 й.да - 127,97 тенге
13.12.2006 й.да - 127,95 тенге
14.12.2006 й.да - 127,88 тенге
15.12.2006 й.да - 127,91 тенге
18.12.2006 й.да - 127,81 тенге

Швейцария
12.12.2006 й.да - 1,2011 швейц. франки
13.12.2006 й.да - 1,1995 швейц. франки
14.12.2006 й.да - 1,2067 швейц. франки
15.12.2006 й.да - 1,2141 швейц. франки
18.12.2006 й.да - 1,2201 швейц. франки

Япония
12.12.2006 й.да - 116,85 япон иенаси
13.12.2006 й.да - 116,96 япон иенаси
14.12.2006 й.да - 117,35 япон иенаси
15.12.2006 й.да - 117,85 япон иенаси
18.12.2006 й.да - 118,06 япон иенаси

1 Англия фунт стерлинги
Буюк Британия
12.12.2006 й.да - 1,9616 АҚШ долл.
13.12.2006 й.да - 1,9706 АҚШ долл.
14.12.2006 й.да - 1,9686 АҚШ долл.
15.12.2006 й.да - 1,9612 АҚШ долл.
18.12.2006 й.да - 1,9539 АҚШ долл.

1 евро
Евроминтақа
12.12.2006 й.да - 1,3253 АҚШ долл.
13.12.2006 й.да - 1,3279 АҚШ долл.
14.12.2006 й.да - 1,3233 АҚШ долл.
15.12.2006 й.да - 1,3147 АҚШ долл.
18.12.2006 й.да - 1,3091 АҚШ долл.

** Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.*

МИЖОЗЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

(Охири. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, вилоят тижорат банклари республика Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ 308- сонли "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги Қарорига асосан ўз маблағлари ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиши жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами 2 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратди. Бевосита банклар кўрсатилган ушбу молиявий ёрдам ҳисобига ҳудудда 3224 та кам таъминланган оила 3240 дан ортиқ бош қорамол сотиб олишга муваффақ бўлди.

Депозит сиёсати

Вилоят банклари ўз ресурс базаларини кенгайтириш, қолаверса, мижоз талабини қондириш мақсадида мунтазам равишда аҳоли ва корхона-ташкилотларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиб келмоқда. Бу ўз ўрнида банкларнинг ресурс базасини оширибгина қолмай, унинг тўлов қобилиятини ҳам яхшилашда ижобий таъсир кўрсатади. Жумладан, 2006 йилнинг 1 декабр ҳолатига банкларнинг омонат ҳисобрақамларида 35 млрд. 100 млн. сўмдан ортиқ депозит маблағлари мавжуд бўлиб, унинг 16,6 млрд. сўмини талаб қилиб олгунга қадар сақланадиган депозитлар, 12,8 млрд. сўмини муддатли депозитлар ва қолган қисмини эса, жамғарма депозитлар ташкил этади.

Электрон карточкаларни жорий қилиш

Тобора оммалашиб бораётган пластик карточкалар асосидаги ҳисоб-китоблар тизимининг кенг кўламда жорий этилиши мазкур вилоят миқёсида ҳам жадал суръатларда давом этмоқда. Айни пайтда банклар жисмоний ва корпоратив шахслар учун (иш ҳақи лойиҳаси асосида) муомалага чиқарган 160 мингга яқин тўлов карточкаларидан аҳоли самарали фойдаланиб келмоқда. Жумладан, банклар томонидан банк кассаларига, савдо дўконларига, ёнилғи қуйиш ва коммунал тўловларини қабул қилиш шохобчаларига, шунингдек, умумий овқатланиш объектлари ва дорихоналарга ўрнатилган 5 та банкомат ва 570 дан ортиқ терминаллар ҳисоб-китоб ишларини анча енгиллаштирган.

Хорижий банклар билан ҳамкорлик

Вилоят тижорат банклари чет эл банклари билан ўрнатган ўзаро алоқалар натижасида бугунги кунда 10 га яқин халқаро пул жўнатмалари бўйича хизмат кўрсатмоқда. Жумладан, "Western Union", "Travelex", "Migom", "Contact", "Быстрая почта" каби пул жўнатмалари тизимлар орқали банклар жорий йилнинг 11 ойи давомида 100 мингга яқин фуқароларга 77 млн. АҚШ доллари миқдорида пул айирбошлаш хизматларини кўрсатди. Мазкур маблағларнинг 71 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон ҳудудига келиб тушган, қолган қисми эса, чет давлатларга жўнатилган.

Назира МАВЛОНОВА.

ХАЛҚ ХИЗМАТИГА ДОИМО ТАЙЁР

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида юртимиз тижорат банклари ҳудудий бўлинмалари ҳам салмоқли ишлар қилмоқдалар. Хусусан, айни пайтда Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган жами 16 та банк томонидан жорий йилнинг 11 ойи давомида иқтисодиётимизнинг ушбу секторини ривожлантириш учун 5 млрд. 825 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилгани алоҳида аҳамиятлидир.

Шунингдек, мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш учун банклар томонидан жорий қилинган истеъмол кредитлари борасида ҳам тўхталиб ўтишимиз лозим. Жорий йилда вилоятдаги 1752 нафар жисмоний шахсларга жами 7 млрд. 263 млн. сўмдан ортиқ истеъмол кредитлари ажратилган бўлиб, уларнинг 5 млрд. 975 млн. дан ортиғи автомашина сотиб олиш учун, 83 млн. сўми таълим олишга, 315 млн. сўми уй-жой қуриш ва таъмирлашга, 442 млн. сўмга яқин маблағ эса, теле-видео ва компьютер техникалари харидига, шунингдек, 249 млн. сўмга яқин маблағлар уй-рўзғор жиҳозлари ва мебеллар ҳамда бошқа халқ истеъмол молларини сотиб олишга йўналтирилган.

Бундан ташқари, вилоят банклари Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги 308-сонли қарорига мувофиқ чорвачиликни такомиллаштириш учун ўз маблағлари ҳисобидан 1 млрд. 762 млн. 500 минг сўм ҳамда Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 349 млн. сўмга яқин кредит ажратиб, 3000 дан ортиқ жисмоний шахсга молиявий кўмак берган.

Бугунги кунда вилоятда бевосита хотин-қизлар фаолияти билан боғлиқ ишлар ҳам жадал суръатларда давом этмоқда. Тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 млрд. 940 млн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлар ҳисобига жами 2415 нафар тадбиркор аёл вилоятда бевосита хотин-қизлар меҳнати билан боғлиқ кичик ишлаб чиқариш корхоналарини очишга муваффақ бўлишди.

Гулшан ЮСУПОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ МИССИЯСИНИНГ ҚЎШМА ПРЕСС-РЕЛИЗИ

Тошкент, 2006 йил 13 декабр

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) миссияси 2006 йил 30 ноябрдан 13 декабргача Ўзбекистонда бўлиб, IV моддага мувофиқ маслаҳатлашувлар доирасида Ўзбекистон ҳукумати билан мулоқама ўтказди. Миссияга Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари Сена Экен хоним бошчилик қилди.

Ўзбекистон ҳукумати ва ХВЖ миссияси иштирокидаги мулоқама чоғида 2005-2006 йилларда иқтисодиётнинг ривожланиши, 2007 йилга доир истиқболлар ва ўрта муддатли истиқболлар, шунингдек, ҳукуматнинг иқтисодий ислоҳотлар дастури диққат марказида бўлди. Мулоқама ошкора ва амалий руҳда ўтди. Миссия самарали ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Миссия сўнгги икки йил мобайнида умумий иқтисодий кўрсаткичлар юқори бўлганлигини эътироф этди. Бу ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари юқори бўлиб, расмий маълумотларга кўра, камида 7 фоизни ташкил этгани, асосан экспорт ҳажми ортганлиги туфайли савдо баланси ва жорий операциялар ҳисобида сезиларли профицит мавжудлиги, олтин-валюта захираси кескин ошиб, айни пайтда унинг миқдори 12 ойлик импорт қийматига тенг эканлиги билан изоҳланади. Сўнгги пайтларда инфляция пасая бошлади.

Иқтисодий сиёсат соҳасида пухта ўйланган солиқ-бюджет сиёсати олиб борилди, натижада солиқ ставкалари пасайтирилганига қарамай, бюджет профицитига эришилди. Тўлов балансидаги барқарор актив сальдо пул-кредит агрегатларига таъсир кўрсатиб, пул-кредит сиёсати олдига мураккаб вазифалар қўйди. Шунга кўра, 2006 йилда Ўзбекистон Марказий банки пул-кредит сиёсатини зарур даражада қатъийлаштирди. Солиқ-бюджет ислоҳотларида кўзда тутилган ривожланиш билан бир қаторда тузилмавий ислоҳотларни изчил амалга ошириш давом эттирилди.

Миссия иқтисодий ўсиш ва тўлов балансининг кўрсаткичлари аввалгидай юқори бўлиши прогноз қилинаётганлигини ҳисобга олиб, 2007 йилнинг иқтисодий истиқболлари ижобий бўлишини қайд этади. Миссия, ҳукумат бундан буён ҳам инфляцияни пасайтириб боришга қаратилган саъй-ҳаракатларни, шу мақсадда пул-кредит сиёсатини қатъийлаштиришни ва пухта ўйланган солиқ-бюджет сиёсати ўтказишни давом эттиради, деб ишонади.

Молиявий барқарорлик шароитида ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш учун, миссиянинг фикрича, иқтисодий сиёсат олдида турган бошқа вазифаларни ҳал этиш лозим, жумладан, инфляцияни пасайтириш, банк тизимини янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган факторларни бартараф этиш ва ташқи савдо соҳасидаги тўсиқларни олиб ташлаш зарур. Бу мақсадларга эришиш учун миссия қатор тавсиялар киритди: улар – янада мослашувчан курс сиёсатини олиб бориш, банкларни уларга хос бўлмаган функциялардан халос этиш, ташқи савдо билан боғлиқ солиқ ва маъмурий тўловларни камайтиришдан иборат. Мазкур тавсиялар ҳукумат томонидан иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида диққат билан кўриб чиқилади.

Миссия Халқаро валюта жамғармаси ислоҳотларни давом эттиришда Ўзбекистонга ёрдам беришга, шу жумладан, техник кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилади.

ҚУЛАЙ, ХАВФСИЗ ВА ИШОНЧЛИ

(Охири. Боши 1-бетда).

- Банкимиз пластик карточкаларининг ишончли ва қулайлиги мазкур тўлов воситасига бўлган қизиқишни тобора ортишига сабаб бўлмоқда, - дейди «Пахта Банк»нинг Тошкент шаҳар Амалиёт бошқармаси "Пластик карточкалар билан ишлаш ва терминалларни жойлаштириш" бўлими бошлиғи Музаффар Мубораков. -Жумладан, жорий йилнинг ўтган уч чораги давомида 5617 дан зиёд пластик карточкалар тарқатилиб, унинг қулайлик ҳамда афзаллик томонлари аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинди ва ҳозирда тарқатилган умумий карточкалар сони 24562 тага етди. Шунингдек, чакана савдо ва хизматлар соҳаси объектларини ҳамда накд пулни қабул қилиш пунктларини терминаллар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Жойлаштирилган 110 дан зиёд терминаллардан пласт карточкалар орқали ўтган трансакциялар ва коммунал тўловлари суммаси 11 млн. сўмдан ортиқни ташкил этди. Мазкур терминаллардан пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар тобора кўпайиб, инкассация тўловлари ортиб бормоқда.

Шу ўринда банк томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ижроси юзасидан шу кунгача терминалларни жойлаштириш ҳамда пластик карточкаларнинг эмиссияси бўйича кўзда тутилган ишлар тўлиқ бажарилганини таъкидлаш жоиз. Ҳозирги кунда эмиссияга чиқарилган пласт картларнинг умумий сони 24562 тадан зиёд бўлса, шундан ойлик иш ҳақи лойиҳаларидаги пластик карточкалар 3032 тани ташкил этади. Юридик шахслар учун чиқарилган корпоратив карточкаларнинг сони эса 20 тага етган. Шунингдек, 98 та мижозларга пластик карточкалар орқали кредитлар ажратилган бўлиб, улар ўз вақтида сўндириб борилмоқда.

Бобур САТТОРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИ

ҚАРОРИ

МУДДАТИДА ТЎЛАНМАГАН СОЛИҚЛАР ВА БЮДЖЕТГА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАРЗДОР КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР МОЛ-МУЛКИ ҲИСОБИДАН УНДИРИБ ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН 2006 йил 28 ноябрда 1250-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2006 йил 8 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки

қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2003 йил 12 июндаги 05-20-247, 01-226, 71, 01 ва 230-В-сонли Қарорига (рўйхат рақами 1250, 2003 йил 12 июн) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Адлия вазири **Б. МУСТАФОЕВ**
2006 йил 28 ноябр
31-сон

Олий хўжалик суди раиси **А. ИШМЕТОВ**
2006 йил 28 ноябр
СП-01/755-сон

Молия вазири **Р. АЗИМОВ**
2006 йил 28 ноябр
98-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси **Э. ГАДОЕВ**
2006 йил 28 ноябр
2006-50-сон

Марказий банк Бошқаруви Раиси **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**
2006 йил 28 ноябр
230-В-1-сон

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 28 ноябрдаги 31, СП-01/755, 98, 2006-50, 230-В-1-сонли қарорига Илова

«МУДДАТИДА ТЎЛАНМАГАН СОЛИҚЛАР ВА БЮДЖЕТГА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАРЗДОР КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР МОЛ-МУЛКИ ҲИСОБИДАН УНДИРИБ ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ ҚАРОРЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

1. «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорда:

а) муқаддимадаги «2003 йил 21 январдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 36-сонли» деган сўзлар «2004 йил 25 мартдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «бўлимлари» деган сўз «бошқармалари» деган сўз билан алмаштирилсин;

в) 2-банддаги «бўлинмалари» деган сўз «бўлимлари» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисида»ги Йўриқномада:

а) муқаддимадаги «2003 йил 21 январдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 36-сонли» деган сўзлар «2004 йил 25 мартдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 21-бандда «бўлимлари» деган сўз «бошқармалари» деган сўз билан алмаштирилсин;

в) 8, 11, 13, 18-бандларда «бўлинмасига» деган сўз «бўлимига» деган сўз билан алмаштирилсин;

г) 9, 12-бандларда «бўлинмаси» деган сўз «бўлими» деган сўз билан алмаштирилсин;

д) 20-бандда «бўлинмалари» деган сўз «бўлимлари» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. Йўриқномага иловада:

а) «бўлими» деган сўз «бошқармаси» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) «бўлинмаси» деган сўз «бўлими» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИНИНГ КАПИТАЛЛАШУВИ

Янги йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг янги ташкил этилаётган тижорат банклари учун устав сармоясининг энг кам миқдори оширилади. Молия-кредит институтларини янада капиталлаштиришга доир ушбу талаб республика Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари сармоясининг адекватлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қарори билан белгиланган.

Хусусан, 2007 йил 1 январдан бошлаб янги ташкил этиладиган хусусий банклар учун устав сармоясининг энг кам миқдори 2,5 млн. АҚШ доллари (миллий валюта эквивалентида), тижорат банклари ва чет эл сармояси иштирокидаги банклар устав сармоясининг энг кам миқдори 5 млн. АҚШ доллари миқдорида белгиланди. Бунда регулятив сармоянинг энг кам миқдори устав сармояси учун қўйиладиган талабдан кам бўлиши шунингдек, регулятив сармоянинг умумий активлар суммасига нисбати хатарни ҳисобга олган ҳолда, 10 фоиздан кам бўлиши мумкин эмас.

Эслатиб ўтамиз, ЎзР МБ юқоридаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчаларни Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ киритган. Ушбу ҳужжатда Марказий банкнинг тижорат банклари устав сармоясининг энг кам миқдорини босқичма-босқич ошириш ҳақидаги таклифи қабул қилинган эди.

Чунончи, 2005 йил 1 июлдан бошлаб хусусий банклар учун у 1,5 млн., тижорат банклари учун 3 млн., чет эл сармояси иштирокидаги банклар учун 5 млн. АҚШ доллари миқдорида белгиланган эди, 2006 йил 1 январдан бошлаб эса, тегишлича 2 млн., 4 млн. ва 5 млн. АҚШ доллари қилиб белгиланди.

БАНК ФАОЛЛИГИ КАПИТАЛЛАШУВГА БОҒЛИҚ

Шуни кўрсатиб ўтиш зарурки, республиканинг бир қатор йирик тижорат банклари давлатимиз раҳбарининг юқорида кўрсатиб ўтилган қарори кучга киришидан олдиноқ, Марказий банк устав сармоясининг энг кам миқдорига қўйган барча талабларига риоя қилиб келган. Булар орасида «Пахта Банк» (2005 йил 15 апрел ҳолатига унинг устав сармояси 12,5 млрд. сўм миқдорида шакллантирилган эди), «Ўзсаноатқурилишбанк» (10,2 млрд. сўм), «Ипотекабанк» (9,345 млрд. сўм) ва бошқалар бор.

Шунга қарамай, мамлакатнинг молия-кредит институтлари ўз фаолиятини кучайтириш учун сармояларини кўпайтириб боришни, жумладан қўшимча акциялар эмиссияларини ўтказиш воситасида, давом эттирдилар. Чунки, юқорида айтиб ўтганимиздек, банк регулятив сармоясининг хатар ҳисобга олинган ҳолда ўз активлари умумий суммасига нисбати уларнинг ўндан бир қисмидан пастга тушиб кетмаслиги керак. Шунингдек, турли лойиҳаларни молиялаш ҳажмларини ошириш, озми-кўпми мослашувчан кредит сиёсатини амалга ошириш имкониятини кўпайтириш учун ҳатто йирик банклар ҳам ўз сармояларини кенгайтириб боришдан манфаатдор.

Республикамиз банк секторининг етакчиларини ўз капиталлашувини оширишга рағбатлантирадиган яна бир ҳолат бор. Чунончи, Ўзбекистон Марказий банки ўтган йилдан бошлаб битта ёки ўзаро боғлиқ бир гуруҳ қарз олувчига тўғри келадиган хатарнинг энг юқори ҳажмини банк регулятив сармоясининг 15 фоизидан 25 фоизигача кўтарган бўлишига қарамай, бир қатор халқаро чет эл молия институтлари тижорат банкларига, шу жумладан Ўзбекистон тижорат банкларига ҳам кредит линиялари очишнинг шартларидан бири сифатида хатарнинг юқорида кўрсатилган энг кўп миқдорини биринчи босқич сармоясининг 15 фоизи миқдорида белгиламоқда. Шу сабабли республика иқтисодиётини молиялаш учун чет эл ресурсларини жалб этиш ва бунда ўзининг маҳаллий бозордаги рақобатбардошлигини камайтирмаслик мақсадида банклар етарли миқдорда капиталлашувга эга бўлишлари керак.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ ЭНГ ЙИРИК ЭМИССИЯСИ

Бу йил Ўзбекистон Қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази республика тижорат банкларининг умумий номинал қиймати деярли 75 млрд. сўмни ташкил қилган қарийб 15 та акциялар эмиссиясини рўйхатдан ўтказди. Бунда ушбу сумманинг учдан икки қисми мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 15 майдаги фармонига мувофиқ «Тадбиркорбанк» негизида ташкил этилган, эълон қилинган устав сармояси 15 млрд. сўм ва МБ курси бўйича миллий валютадаги эквивалентда 50 млн. АҚШ долларини ташкил қилган «Миркокредитбанк» ҳиссасига тўғри келади.

Устав сармоясини шакллантиришда асосий улуш Молия вазирлигига тўғри келишига қарамай, «Микрокредитбанк»ни капиталлаштиришда мамлакатимизнинг бошқа тижорат банклари ҳам иштирок этишини кўрсатиб ўтиш зарур. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг янги банк устав сармоясидаги улуши 2 млрд. сўмни, «Асака» банкининг улуши 1,5 млрд. сўмни, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Пахта Банк»нинг ҳар бирининг улуши 1 млрд. сўмни ташкил этади, банкнинг хусусий акциядорлари улуши эса тахминан 4 млрд. сўмга тенг.

ҚЎШИЛИШДАН МАҚСАД КАПИТАЛЛАШТИРИШМИ?

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг етинчи эмиссияси ҳам анча йирик бўлиб, унинг ҳажми 6,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эмиссия шу йил рўйхатга олинибгина қолмасдан, шу билан бирга батамом жойлаштирилди ҳам. Башарти, январ ойида банк қайта ташкил этилиб, унга халқаро «Ўзприватбанк» қўшилганлигини ҳамда қўшимча эмиссиянинг бир қисми унинг аввалги акциядорларининг конвертацияланган акцияларига тўғри келганлигини ҳисобга олганимизда ҳам, бу акциялар нашри мамлакатимиз молия институтлари орасида Ўзбекистон тарихидаги энг йирик нашрлардан биридир.

Мамлакатимиз банк тизимининг ривожланишини эътибор билан кузатиб бораётган одам сўнгги йилларда республика тижорат банкларининг у ёки бу ҳуқуқий кўринишда қўшилиши сони уларнинг умумий миқдорига нисбатан кескин кўпайганлигига эътибор берган бўлиши турган гап. Бу ҳам сармояни кўпайтириш масалаларини ҳал қилишнинг асосий бўлмаса ҳам, ўзига хос усулларидан биридир. Айни вақтда яна бир қонуният кўзга ташланмоқда: бирлашаётган банклардан бири ўз шеригига қараганда анча йирик банкдир. Ҳеч бўлмаганда ўтган йил апрел ойида «Ўзуйжойжамғармабанк» билан «Замин» банкининг бирлашиб, улар негизида «Ипотекабанк» ташкил бўлганлигини эслаб ўтайлик. Ўшанда биринчи банкнинг биргаликда шакллантирилган устав сармоясидаги улуши деярли 85 фоизни, иккинчи банкнинг улуши эса 15 фоиздан сал кўпроқни ташкил қилган эди.

АКЦИЯЛАРНИ КУЗДА САНАЙМИЗ

Қўшимча акциялар эмиссияларини ўтказиш воситасида сармояни кўпайтиришда шартли равишда ўртача банклар тоифасига кирадиган банклар ҳам анча фаол бўлишди. Масалан, «Ҳамкорбанк» умумий номинал қиймати 1,5 млрд. сўм бўлган тўққизинчи акциялар эмиссиясини жойлаштириб бўлиши биланоқ, ноябр ойи охирларида акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида яна шунча ҳажмда ўнинчи нашрни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. «Алоқабанк» 3 млрд. сўм миқдорида ўн учинчи эмиссияни рўйхатдан ўтказди. «Капиталбанк» ҳам шунча ҳажмдаги эмиссияни йил охиригача ўтказишни режалаштирмоқда.

«Турон» банки умумий номинал қиймати 1 млрд. сўм бўлган олтинчи акциялар эмиссиясини рўйхатдан ўтказди, бундан кўра йирикроқ бўлган, дон саноати мажмуига кирадиган корхоналарни кредитлашга ихтисослашган «Ғаллабанк» эса 2 млрд. сўмлик ўн иккинчи эмиссияни рўйхатдан ўтказди. Шу билан бирга, тижорат банклари чиқарган акциялар умумий сонининг камида ярми ўтган кузга тўғри келганлигини кўрсатиб ўтиш зарур. Бу эса кредит институтлари меъёрий талабларга анча интизомли муносабатда бўлаётганликларини билдиради.

Тижорат банклари акцияларни очиқ сотиш йўли билан ҳам, ўз акциядорлари орасида, шу жумладан дивидендлар ҳисобига ҳам жойлаштирмоқдалар. Акцияларни дивидендлар ҳисобига жойлаштириш банкларнинг биргаликдаги эгалари ҳам уларни капиталлаштиришдан, шунингдек устав сармояларидаги ўз иштирокларини кўпайтиришдан манфаатдор эканликларини кўрсатмоқда. Бунга 2005 йилдан то 2010 йилгача давлатимиз раҳбарининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, тижорат банкларининг акциядорлари бўлмиш жисмоний шахсларнинг акциялари солиққа тортишдан озод қилинганлиги ҳам ёрдам бермоқда.

Диёр КОМИЛОВ.

ДВИГАТЕЛЛАР ТОШКЕНТДА ЙИҒИЛМОҚДА

«ЎзБелДизел» Ўзбекистон-Беларус қўшма корхонаси Тошкентда дизел двигателларни йиғишга киришди деб хабар қилди ҚК бош директори Владимир ОДИЛОВ.

Унинг сўзларига қараганда, шу йил охиригача тахминан 300 та двигател йиғилиб, «Тошкент трактор заводи» (ТТЗ) ОАЖга етказиб берилади.

Б. Одилов дастлабки босқичда двигателлар ҳаммаси Россия ва Беларусдан келтириладиган бутловчи қисмлардан йиғилишини айтди. 2007 йилда ҚК бутловчи қисмларнинг асосий блоклари, шу жумладан двигател қобиғи, тирсакли вал ишлаб чиқариладиган линияни ишга туширишни режалаштирмоқда. 2009 йилга бориб, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини 50 фоизгача етказиш режалаштирилмоқда.

«ЎзБелДизел» ҚК тенг шерикчилик асосида Беларус «Минск мотор заводи» (ММЗ) УК, Россиянинг «Ногинск ёнилғи жиҳозлари заводи» ОАЖ, Ўзбекистоннинг «ТТЗ» ОАЖ ва «Мотор заводи» ОАЖ томонидан ташкил этилган бўлиб, ишлаб чиқариш «Мотор заводи» ОАЖда олиб борилади.

Дастлабки босқичда ҚК йилига 6000 донагача двигател ишлаб чиқаради, шунинг ярми ТТЗ заводида чиқарилаётган тракторларни бутлаш учун ушбу заводга келиб тушади. 3000 га яқин двигателни Ўзбекистон агросаноат мажмуаси сервис хизматлари учун эҳтиёт қисмлар сифатида жўнатиш режалаштирилмоқда. 2010 йилга қадар «ЎзБелДизел» ҚК қувватини 20 минг дона двигателга етказиш мўлжалланмоқда.

«Туркистон-пресс» НАА.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ БЎЙИЧА ЎҚУВ КУРСИ

Шу йил 27 ноябрдан 1 декабргача Ўзбекистон банклар ассоциацияси (ЎБА) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан, шунингдек қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш Консорциум маркази билан биргаликда «Қимматли қоғозлар бозори: назарий ва амалий асослар» интенсив курсини ўтказди, деб хабар қилишди Ўзбекистон банклари ассоциациясидан.

Курс Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 475-сонли Қарорининг ижроси юзасидан тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан ишлайдиган мутахассислари касб савиясини ошириш мақсадида ўтказилди.

Курсда Ўзбекистон Республикаси банк-молия ташкилотларининг 39 нафар ходими таълим олди. «Пахта Банк», «Микрокредитбанк», «Ипак йўли» банки, «Ҳамкорбанк», «Ғаллабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Трастбанк», «Савдогарбанк», «Алп Жамол банк», «Парвинабанк», Халқ банки, «Асакабанк», «Ўктам банк», «Капиталбанк», «Ипотекабанк», «Алоқабанк», «Ахбор-Рейтинг» БРК ва «Инвест-Траст» МК шулар жумласидандир.

Курс дастурида энг асосий концепциялар, қимматли қоғозлар ва улар бозорларининг моделлари ҳамда микдор кўрсаткичлари; қимматли қоғозлар билан тузиладиган битимлар ва қилинадиган операцияларнинг моҳияти ва турлари; халқаро қимматли қоғозлар бозори ва банк тизимининг ривожланиши; қимматли қоғозлар юзасидан битимлар тузишнинг амалий кўникмалари; Ўзбекистон қимматли қоғозлари; Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини қўллаш амалиёти; Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг ҳолати, муаммолари, унинг истиқболлари ва ривожланиш стратегияси; қимматли қоғозлар ва улар бозорининг параметрларини молиявий ҳисоблаб чиқариш амалиёти; банкларнинг биржа операциялари амалиёти ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Курсда лекторлар сифатида Қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг, Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш консорциум марказининг, ЎзР Банк-молия академияси, Тошкент Молия институти, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Банклараро савдо тизими, Депозитарий компанияси, «Тошкент» Республика фонд биржасининг юқори малакали мутахассислари ва олимлари қатнашдилар.

Курс давомида банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятига доир муаммоли масалалар юзасидан давра суҳбатлари ўтказилди ҳамда амалий маслаҳатлар берилди.

Курс якунлари бўйича тингловчиларга Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш консорциум марказининг махсус сертификати топширилди.

• Жаҳон янгиликлари

РОССИЯ БАНК ТИЗИМИДА – ЯНГИ ТАШКИЛОТ

Россия давлат тараққиёт корпорациясини ташкил этиш учун камида бир йил керак бўлади. Ҳозирги вақтда шунга оид иккита қонун лойиҳаси – тараққиёт банки тўғрисидаги ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунга тузатишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда. Давлат тараққиёт корпорацияси РФ Ташқи иқтисодий фаолият ва тараққиёт банки деб аталади. Тараққиёт банки асосий ядро сифатида Внешэкономбанк (ВЭБ)ни қайта ташкил этиш ҳамда Россия Тараққиёт банки билан Росэксимбанкни қўшиш йўли билан ташкил қилинади.

Ташкил этилаётган банкнинг устав сармояси РФ мол-мулки ҳисобига 70 млрд. рублни ташкил қилади. Корпорация РФга инвестициялар жалб этишга ёрдам бериш йўли билан иқтисодиётни ривожлантиришга, молиявий воситаларни ривожлантириш, Россия товарлари ва хизматларини экспорт қилишни, шунингдек кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга ёрдам бериши керак.

Бўлажак банк жисмоний шахслар билан ҳамкорлик қилмайди. Бундан ташқари, ташкил этилаётган банкнинг молиявий операциялари доираси чекланади. Ушбу институт фойда олиш учун ташкил этилаётгани йўқ ва у хусусий сармоя учун иқтисодиётнинг муайян секторлари жозибадорлигини таъминлашга қаратилади. Бундан ташқари қонун лойиҳасида «бошқа молия институтлари билан рақобатнинг бўлмаслиги тамойили» ёзиб қўйилган.

Ташкил этилаётган банк бозорда етарлича қўллаб-қувватланаётган лойиҳаларни молияламайди. Шу билан бирга банк инвестиция лойиҳаларини кредитлайди, шунингдек инновация лойиҳаларини молиялайди ва уларга хизмат кўрсатади ҳамда Россияга чет эл инвестициялари жалб этилишини таъминлайди.

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида давлат тараққиёт корпорацияси бундай корхоналарга тўғридан-тўғри кредитлар бермайди, балки бошқа банкларга кредитлар беради, улар эса кейинчалик кичик ва ўрта бизнесни кредитлайди.

Банк бутунлай давлат назорати остида бўлади, ҳукумат кузатув кенгашидаги ўз вакиллари орқали уни назорат қилади. Қонун лойиҳасида банк «кредит ташкилоти эмас»лиги ва МБ назорати остида бўлмаслиги, яъни «кредитлар бериш бўйича МБ талабларига мос келмайдиган операцияларни амалга ошириши мумкин»лиги ёзиб қўйилган.

Банкнинг бошқарув органлари қилиб кузатув кенгаши, банк бошқаруви ва унинг раиси белгиланган. Кузатув кенгашининг аъзоларини (саккиз киши) ҳукумат, банк раисини эса – президент тайинлайди. Ҳисоб палатаси банкнинг аудитори бўлади.

ДУНЁНИНГ ЭНГ ҚИММАТБАҲО КОМПАНИЯЛАРИ

Биринчи марта 150 та энг йирик ёпиқ компания рейтингини тузган The Financial Times таҳлилчилари Saudio Aramco нефт-газ корпорацияси дунёдаги энг қимматбаҳо компания эканлигини аниқладилар. Унинг акциялари жаҳон биржаларида савдога қўйилмайди, бироқ FT ҳамда McKinsey экспертларининг баҳолашича, Саудия Арабистони ҳукуматига қарашли Saudio Aramco нефт-газ компаниясининг бозор баҳоси 781 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, бу етакчи сифатида умумэътироф этилган ва акцияларининг умумий қиймати 454 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳоланаётган ExxonMobilнинг биржадаги капиталлашувидан анча кўпдир.

Шуниси диққатга сазоворки, капиталлашиш рейтингида юқори сатрларни эгаллаб турган дастлабки 13 компания давлатларга қарашлидир. Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, биринчи 13 компаниядан фақат биттаси нефт-газ секторига мансуб эмас. Бу Японияниг Japan Post почта корпорацияси бўлиб, унинг капиталлашуви 156 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

Энг йирик ёпиқ банк гуруҳи немисларнинг Sparkassen-Finanzgruppe бўлиб, унинг капиталлашуви 98 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Энг йирик электр энергетика компанияси Хитойнинг Давлат тармоқ корпорацияси бўлиб чиқди. Унинг капиталлашуви 87 млрд. АҚШ долларига тенг. Энг катта суғурта гуруҳи Nippon Life Insurance бўлиб, унинг капиталлашуви 87 млрд. АҚШ долларига тенг. Американинг 83 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳоланган Kohlberg Kravis Roberts компанияси энг йирик инвестиция фонди деб тан олинди.

Рейтингга Россиянинг битта компанияси ҳам кирди. У Россиянинг «Россия темир йўллари» ёпиқ давлат компаниясидир. Экспертлар уни 18 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳолашди. Таққослаш учун: 15 декабр ҳолатига «Газпром»нинг бозор капиталлашуви 273 млрд., «Лукойл»ники 76 млрд., Сбербанкники 56 млрд., «Роснефт»ники 85 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳолбуки, дунёнинг энг йирик компанияси айнан ёпиқ компаниялар сафида бўлганлигига қарамай, дунёдаги 150 та энг йирик корпорациянинг умумий баҳоси 150 та энг йирик очиқ компаниянинг капиталлашувидан деярли икки баравар кам бўлиб чиқди. Агар ёпиқ хусусий ва давлат компаниялари 7 трлн. АҚШ долларига яқин турса, биржада котировка қилинаётган компанияларнинг умумий салмоғи 13,1 трлн. АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этади.

Экспертлар бундай аҳволни шу билан изоҳлайдиларки, ёпиқ компанияларнинг маблағлари чекланган, чунки улар сармоя бозорига бемалол кира олмайдилар. Хусусий ва давлат ёпиқ корпорацияларининг эгалари активлар устидан назоратни йўқотишдан қўрқиб ҳамда ахборотни ортиқча очишни истамай, янги активлар сотиб олишга ва корпорацияни кенгайтиришга сарфланиши мумкин бўлган маблағларни жалб этиш учун акциялар эмиссиясидан фойдаланмайдилар.

Ахборот ва статистика бўлими томонидан маҳаллий ва хорижий матбуот асосида тайёрланди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ
АХБОРОТ–ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
Тадбиркорликни ахборот билан қўллаб-қувватлаш "Заковат" ижтимоий жамғармаси
ТАҲРИР КЕНГАШИ:
Файзулла Муллажонов (Таҳрир Кенгашининг раиси),
Қаҳрамон Рофиев (Таҳрир Кенгашининг раис ўринбосари),
Равшан Охунов (Таҳрир Кенгашининг масъул котиби),
Раҳмон Каримов
Абдураҳмат Боймуротов
Баҳодир Хўжаев
Михаил Перпер
БОШ МУҲАРРИР
Шавкат Назаров
БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:
ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА, «Иқтисодиёт ахборот агентлиги», «Бухоро-пресс» АА.
Реклама ва эълонлар учун 134-43-18 телефони орқали мурожаат қилинг.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700000, Тошкент, F. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.
e-mail: bankingnews@tshtt.uz
www: finance.uz
Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари таҳририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.
Таҳририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "БА"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.
Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.
Ⓣ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.
Буюртма № Г-1404
Тираж 5039 нусха.
Босишга рухсат этилди 19.12.2006 й.
Газета таҳририят ускуналарида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топширилди 20.12.2006 й. 9.00. 1 2 3 4 6